Жамоалаштириш ва «кулоклаштириш» кампанияси даврида дехкончилик мехнати билан рўзгор тебратаётган, ернинг хакикий эгалари бўлган кишлок ахолиси катагон объекти бўлиб колди. 1931 йил августида Ўзбекистон бўйича 3 795 хўжалик (17 839 жон) «кулок» килиниб, юкорида айтиб ўтганимиздек, бор мулкларидан, уй-жойларидан махрум килинди ва Украинанинг Херсон вилоятига ва Шимолий Кавказ (хозирги Ставрополь ўлкаси) га сургун килинди. 1932 йил майида эса республикамизнинг 54 туманидан 4 865 хўжалик, яъни 22 505 киши (шундан 6 877 нафари эркаклар, 5 886 нафари аёллар, 9 055 нафари эса болалар) сургун килинди. Аммо 1932 йилда сургун килинганлар хисобига нима учундир Кашкадарё ва Хоразм округларидан сургун килинганлар кирмай колган. Вахоланки, бошка бир хужжатда Кашкадарё округидан 600 хўжалик (1113 киши) (шу жумладан, Косондан 180, Шахрисабздан 200, Яккабогдан 75, Бехбудийдан 30, Гузордан 50, Чирокчидан 65 хўжалик), Хоразм округи дан 680 хўжалик (1 160 киши) (шу жумладан, Хиива шахридан 160, Мангитдан 60, Гурландан 95, Хазорасп дан 100, Хива туманидан 100, Янги Урганчдан 85, Шовотдан 80) «кулок» килингани кайд этилган. Хуллас, 1932 йилда Ўзбекистон бўйича 6 145 хўжалик (24 778 киши) «кулок»ка тортилиб, сургун килинган. 1932 йил майида «кулок» килинганлар Ўзбекистон худуди даги «мехнат посёлкалари»га, яъни «кулоклар кишло ги»га келтириб жойлаштирилган. Бундай «кулоклар кишлоги» Сурхондарёдаги «Хазорбог» пахтачилик сом хозида, Тошкент вилоятидаги «Боёвут», «Далварзин», «Дзержинский», «Сталин», «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозлари ва колхозларида, Самаркандаги «Булунгур» богдорчилик совхозида, Андижондаги «Савай», «Куйбишев» пахтачилик совхозларида, Наманганнинг Умкургон туманидаги «Норин» совхозида ташкил этилган эди. Бундай «кулоклар кишлоклари»нинг сони республика бўйича 24 тага етган. Бу хўжаликларда сургун азобини тортаётганларнинг катта кисми яна такроран нохак катагон килинган.

ОГПУнинг 1932 йил 15 апрелдаги «Доимий яшаш жойларидан ва сургун килинган пунктлардан кулокларнинг кочиб кетаётгани тўгрисида»ги 2-маълумотномасида Ўрта Осиё бўйича 125 тумандаги 27 794 «кулок» хўжаликларидан 7 091 оиланинг яшаш жойидан кетиб колгани кайд этилган. Шундан 3 316 киши якка холда, 3 775 оила эса барча аъзолари билан кочиб кетган. Уларни топиш ва кўлга олиш операцияси ўтказилиб, 2 155 «кулок» ушлаб олинган ва улардан 502 киши яшаб турган жойига, 610 киши махсус посёлка на лагерларга юборилган, 759 кишининг иши судга оширилган, 284 киши эса маълумотнома тузилган вактда терговда бўлган.

СССР Ички ишлар халк комиссарлигининг 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли буйруги асосида 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вактда Ўзбекистон бўйича

«кулоклар»дан 5 924 киши, «жиноятчилар»дан 1679 киши, бошка «советларга карши унсурлар»дан 3 097 киши, жами 10 700 киши камокка олинади. Уларнинг барчаси камок жазосига хукм этилади. Отувга хукм килинганлардан 1 376 нафари кулоклар», 727 нафари жиноятчилар ва 1 812 нафари советларга карши унсурлар» бўлиб, улар турли муддатларга камок жазосига хукм килинади. Улар орасида Ўзбекистон худудида жойлашган мехнат посёлкаларидаги «кулоклар» хам бор эди.

Мехнат посёлкаларига сургун килинган кишиларнинг хўжалик сохасида эришган ютуклари, уларнинг яшаш шароитлари, уй-рўзгорларининг яхши йўлга кўйилиши ГУЛАГ мехнат посёлкалари бўлими ходимларини жиддий ташвишга солади. Натижада 1938 йил 29 сентябрда Ежов жойлардаги НКВД бошкармалари бошликларига мехнат посёлкаларидаги режимни кучайтириш тўгрисида 1818-сонли кўрсатмани юборади.

Мехнат посёлкаларидаги «кулок» хўжаликларининг ўсиши НКВД органларининг кўпол сиёсий хатоси сифатида бахолана бошлади. НКВДнинг айрим ходимлари 1937—1938 йилларда мехнат посёлкаларидаги «кулоклар»нинг бойиб кетишида айбланиб, хатто катагон этилди.

Узок вакт мобайнида «кулоклар сургуни» билан «халк душманлари» (Коган, Молчанов, Берман, Плинер, Фирин, Закарьян, Вишневский ва бошкалар) нинг шугулланганлиги, сургун килинганлар учун атрофдаги колхозларга караганда имтиёзли шароитнинг яратилганлиги, шу сабабдан «кулок» хўжаликларининг колхозчиларга нисбатан илгорлаб кетгани, натижада сургун килинганлар орасидан янги «кулоклар»нинг чика бошлагани, уларнинг давлатга солик ва йигим тўлашдан озод килинганлиги хакида турли маълумотлар юкори органларга юбориб турилди.

Окибатда НКВД ходимлари билан бирга мехнат сургунидаги кишилар хам катагон объекти бўлиб колди. Ўзбекистон худудида жойлашган мехнат посёлкаларидаги мехнат бадаргачиларидан 1935—1936 йилларда 101 киши, 1937—1938 йилларда 156 киши такроран катагон килинди. 1937 йили 14 758 мехнат бадаргачисидан 46 киши (0,31 %), 1938 йили эса 14 271 мехнат бадаргачисидан 110 киши (0,77 %) устидан хукм чикарилди, катагон килинди.

Иккинчи жахон уруши даврида хам мехнат посёлкаларидаги мехнат бадаргачиларининг маълум кисми турли бўхтон, нотўгри маълумот ва сохта айблар асосида катагон килинди.

1942 йил 20 январда ЎзССР Ички ишлар халк комиссарлиги махсус мехнат посёлкалари бўлимининг Чкалов шахри Совет кўчаси, 19-уйда жойлашган ГУЛАГ бошлиги ўринбосари давлат хавфсизлиги майори Загвороднийга йўллаган ахборотида ана шу катагон килинганлар хакида маълумот берилган. Унда айтилишича, республикадаги махсус мехнат кишлокларида

3 296 та сургун килинган оила бўлиб, улар таркибида 11 798 жон борлиги, булардан кўп кисмини «собик кулок унсурлар, бой-помешчик унсурлар ва босмачилик харакатининг собик иштирокчилари» ташкил этгани кайд килинган. Шунингдек, мехнат бадаргачиларидан, 1942 йил 1 январдаги холатга кўра, 283 кишининг бой-помешчик унсурлар, 24 кишининг мусулмон рухонийлари, 103 кишининг савдогарлар, 38 кишининг собик дворян-князлар, 8 кишининг эса «халк душманлари»нинг хотинлари эканлиги кўрсатилган.

Ахборотда, жумладан, бундай дейилган: «Ватан уруши бошланган вактдан буён ўтган фурсат ичида мехнат бадаргачиларининг советларга карши унсурлари фаоллиги сезилмокда, бу хол маглубиятчилик ва немис фашистларига хайрихохлик кайфиятни, шунингдек, турли-туман игво ва фасодларни таркатишда ўз ифодасини топмокда».

Мазкур ахборотда камокка олинганлар хакида хам маълумот берилган. Масалан, Янгийўл туманидаги 4-мсхнат посёлкасидан мехнат бадаргачиси, собик бой, ўзбек, Омонбоевнинг партия аъзосига нисбатан террорчилик харакати килгани учун, Ховос туманидаги 2 посёлкадан Козимовнинг советларга карши фикрлар айтгани учун камокка олингани, Учкўргон туманидаги 8- посёлкадан мехнат бадаргачиси, миллати осетин, Жонбулат Саломов (собик йирик кулок) нинг аксилинилобий фаолияти учун олий жазога хукм этилгани, Избоскан туманидан Шукур Худойбердиев ва Абдулла Мирзаев (ўзбек, собик йирик кулоклар) нинг советларга карши ташвикот олиб боргани ва фашистларга хайрихохлик рухидаги миш-мишларни таркатгани учун камокка олинганлиги ва хукм килинганлиги кайд этилган.

Хаммаси бўлиб 1941 йил июлидан 1942 йилнинг январига кадар советларга карши фаолият кўрсатганликда айбланиб 24 киши камокка олинган ва улар устидан хукм чикарилган. Шу вакт ичида мехнат посёлкаларидан 40 киши кочиб кетган, улардан 8 киши ушланиб, мехнат посёлкасига олиб келиб жойлаштирилган.

Ахборотда яна бундай дейилган: «Шунингдек, собик босмачилардан бўлган бандаларнинг кисман жонланиб колганлиги хам сезилмокдаки, бу хол улар орасидан баъзи бирларининг аксилинкилобий харакатни фаоллаштириш максадида босмачилик харакатининг собик иштирокчилари билан алока боглашга интилишларида кўринмокда».

Маълумки, мехнат посёлкаларидаги тартиб устидан назорат олиб бориш, кузатиш, кочиб кетишлардан кўриклаш ва мехнат бадаргачиларидан ишчи кучи сифатида фойдаланишни тартибга солиб туриш вазифаси комендантлар ва комендатуралар зиммасига юклатилган эди. Иккинчи жахон урушининг бошланиши билан комендатура ва комендантларнинг «кулоклар сургуни»даги мехнат бадаргачилари орасида олиб бораётган оператив агентура фаолиятига жиддий ўзгаришлар киритилди. ГУЛАГ кўрсатмаларига мувофик, уруш даври талабларига кўра, мехнат посёлкаларидаги тартиб-шароитлар кучайтирилди. 1942 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистондаги барча мехнат посёлкаларида режим кучайтирилиб, «кулоклар сургуни»дагиларга нисбатан яна ўзига хос катагон сиёсати кўллана бошланди. Мехнат интизомини бузганлар ва ишга кечикиб чикканлар судга берила бошланди. 1941 йил августининг ўзида мехнат посёлкаларида турли сабаблар билан 20 киши ЎзССР Жиноят Кодексининг 106-моддаси бўйича жавобгарликка тортилди.

Посёлкаларда НКВДнинг махфий агентлари собик «босмачилар» ва советларга карши кайфиятдаги кишиларни излашга сафарбар этилди. Шубха остига олинганлар НКВДнинг оператив рўйхатига олина бошлади. Масалан, Куйи Чирчик туманидаги 4-мехнат посёлкасидан 1942 йилда 36 кишининг номи НКВДнинг оператив хисобига олинди.

1941 йилда, урушнинг дастлабки ойида шу мехнат посёлкасидан Фозилов Турсунбой камокка олинади. «Ота» лакабли НКВД агентининг маълумот беришича, Фозилов Турсунбой бундай деган: «Якинда бу ерга Гитлер келади, барча кийинчиликлар тугайди. Факат Гитлергина бизни ўзига якин дўст сифатида кўради... Мен якин орада бу ердан кочиб кетаман. Белгиланган жойда 5 та йигитим мени куроллар билан кутиб олишади».

1942 йилнинг мартида Денов туманидаги 1-мехнат посёлкасидан 1872 йилда тугилган Отаев Шоди камокка олинади. НКВД агентининг берган маълумотига кўра, у ўтмишда «босмачилик харакати»да фаол иштирок этган ва кўрбоши лавозимида бўлган.

Янгийўлдаги мехнат посёлкалари бўйича 11 кишининг номи НКВДнинг оператив рўйхатига олинган. Улардан 6 тасига советларга карши кайфиятдаги «кулоклар», 3

тасига собик «босмачилар» деган айб кўйилган.

1941 йил август ойида Али Мамаюсупов НКВДнинг махсус йигилиши томонидан камокка олинган. Аникланишича, у ўтмишда кўрбоши бўлган ва ихтиёрида 55 нафар йигит бўлган.

1942 йил март ойида Оккўргон туманидаги 3-мехнат посёлкасидан камокка олинган Дадабоев Косим ва Дадабоев Вали ўтмишда «босмачилик харакати»да иштирок этганликда, 1941—1942 йилларда безорилик килганликда ва чайковчилик билан шугулланганликда айбланиб, олий жазога хукм килинганлар.

Бекобод туманидаги 6- ва. 10-мехнат посёлкаларидан 52 киши номи НКВДнинг оператив рўйхатига олинган. Улардан 24 тасига собик «босмачилар», 16 тасига собик йирик «кулок»лар, 3 тасига «халк душманлари»нинг кариндошлари, 2 тасига собик чор армияси офицерлари, деган айблар кўйилган. Мазкур мехнат посёлкасида Файзулла Хўжаевнинг хотини Робия Хўжаева, Ота Хўжаевнинг хотини Шарифа Тизатуллиналар хам бўлганлар. Улар хакида «Роза» ва «Гойиб» лакабли хуфялар маълумот етказиб туришган.

Умуман, 1941—1942 йилларда Ўзбекистон худудидаги мехнат посёлкаларидан 283 киши собик «босмачи» сифатида, 279 киши эса советларга карши ва аксилинкилобчи шахслар сифатида НКВДнинг оператив рўйхатига олинган. Пиравардида улар хам катагон домига тортилганлар.

«Кулоклар сургуни»дагиларга нисбатан урушдан ке-йин хам турли кўринишда катагон сиёсати кўлланиб келинди ва бу жараён 1955 йилгача давом этди. Собик «кулоклар» мустакиллик арафасидагина эркин нафас ола бошладилар.

“Тарихнинг хасратли сахифалари”